

Дин ишларида фойда берадиган ёки ўзига фойда оладиганлар билан ҳаммажлис бўлиш | Ўн саккизинчи ҳақ



15:41 / 04.09.2025 773

Дин ишларида фойда берадиган ёки ўзига фойда оладиганлар билан ҳаммажлис бўлиш, ғофиллардан эса эҳтиёт бўлиш.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ёмон ҳамсуҳбатдан ёлғизлик яхшироқ, яхши ҳамсуҳбат эса ёлғизликдан яхшироқдир”, деганлар.

Агар ғофил кимсалар билан кўп ўтирилса, ҳар ўтирганда унинг динида қанчадир миқдорда нуқсон пайдо бўлади. Тасаввур қилинг, ҳар ғофил билан ўтирганда улар кишининг юнгли кийимидан бир дона юнг ёки соқолидан бир дона мўй юлиб олаверса, тез орада уни бесоқол (соқолсиз)

ва яланғоч бўлиб қолиши эҳтиёткор бўлишига етмайдами? Дин учун эҳтиёткор бўлиш эса бундан ҳам зарурроқдир.

Ёмон ҳамсухбат ҳар томонлама салбий таъсир ўтказди, яхшиси эса кони фойдадир: “Яхши ҳамсухбат гўё мушк эгасига ўхшайди, унга сендан ҳеч нарса (наф) етмаса ҳам, унинг ҳидидан баҳраманд бўласан. Ёмон ҳамсухбат эса темирчининг босқонига ўхшайди. Сенга унинг ёмонлиги етмаса ҳам исидан юқтириб оласан”.

Демак, биз улфат бўлган кишилар бизга фойдаси тегадиган ёки бизнинг уларга фойдамиз тегадиган кишилар бўлмоғи лозим. Акс ҳолда икки томонлама йўқотишлар бўлиши тайин.

Абдулҳамид Зайриевнинг **“Мусулмоннинг ҳақ ва вазифалари”**
китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 январдаги 03-07/184-сонли хулоса хати асосида тайёрланди.